

БЕШИНЧИ НАЪТ

Меърож кечаси таърифидаким, каримаи: «Субхоналлази асро» анга мусаддаки дуур ва «би-абдихи лайлан минал-масжидил хароми илал-масжидил-аксо» анинг субутига икки гувохи содик.

Бир кеча зулматка колиб коинот,
Мехр нихон ўйлаки айнул-хаёт.

Гарчики ул чашма назардин кочиб,
Хизр кўк узра катаротин сочиб.

Тун килибон гардини анбар сиришт,
Бутратибон ерга насими бихишт.

Ер курави шакл ила мижмар бўлуб,
Кеча саводи анга анбар бўлуб.

Ўт киби ер мижмари остида меҳр,
Ёпиб этак мижмара узра сипеҳр.

Ёгибон орому сукун ёгини,
Паст килиб ходиса туфрогини.

Бу кеча ул сарви гулистони унс,
Равшан этиб шамъи шабистони унс.

Васл хаёлидин этиб кўнгли хуш,
Бахрдек ул жўш ила айлаб хуруш,

Ким этиб ул сойири улвий маком,
Илгига бир тойири улвий хиром.

Пўядада кўк сайрича ором анга,
Ердин ўлуб кўккача бир гом анга.

Косиди кудсий чу салом айлабон,
Хак соридин арзи паём айлабон.

Дебким, аё маҳзани асрори шавк,
Хакдин эрур васлингга изхори шавк.

Чунки набий муждаи жонон топиб,
Муждаи жонон чу топиб жон топиб.

Пайки ани кўлдабон отландуруб,
Рахшини келган сори-ўқ ёндуруб.

Сойир ўлуб рокиби фарруҳ жамол,
Тойир ўлуб маркаби фархунда фол.

Гарди била бораи суръатнамо,
Еткурубон акл кўзига амо ()

Ул махи шабгард бўлуб жилва соз,
Жилвагахи борча шабистони роз.

Чун етибон кўк сори тавсан анга,
Ой бўлубон ўтгали равзан анга.

Тийри каламзан чу топиб ул шараф,
Букаламунлугни килиб бартараф.

Зухра тараб барбатини соз этиб,
Замзамаи тахният оғоз этиб.

Соясидин меҳр чикармай жамол,
Тахти шиоъ ичра нечукким хилол.

Мехрида Бахромки якрў бўлуб,
Тиги шараф юзига кўзгу бўлуб.

Мавкибидин поя топиб Муштариј,
Йўлида бир поя бўлуб минбари.

Шамъи Зухал зулматини нур этиб,
Зангийи шабрангни кофур этиб.

Хам Хамалу Савр бериб жон анга,
Жон этибон иккиси курбон анга.

Хам тонгибон олида Жавзо камар,

Хам Саратон туз бўлубон жилвагар.

Шер йўлидин тутубон гўшаи,
Сунбула рахшига бўлуб тўшай.

Палла йўли гардидин иксир санж,
Акраб аро нўшу даво, нишу ранж.

Кавс тутуб чилла дуоси учун,
Жади бериб фулла гизоси учун.

Далвга Юсуф киби солмай назар,
Хутда Юнус киби килмай макар.

Ел киби чун катъи буруж айлабон,
Арш фасилига уруж айлабон.

Фарши бўлуб арш ила лавху калам,
Куймок учун рахши аларга кадам.

Рафраф уза пўя килиб чун кушод,
Хамраху рухравга этиб хайрбод.

Колмади йўлида чун асло макон,
Килди макон бодияи ломакон.

Олти жихат кайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гухар тарки анга тож ўлуб.

Йўклуг аёги била солиб кадам,
Андаки йўлу кадам ўлуб адам.

Ўзлугидин накшу намудор йўқ,
Накшу намудоридин осор йўқ.

Чўн ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда килиб ўзни хос.

Анда етиб гум бўлубон ўтруси,
Хар неча кўз солса, бако кўзгуси.

Чун бўлуб ул кўзгуда сурат намо,
Кўзгусидин ташкари колгон фано.

Ахтарига чун етибон мунча авж,
Зохир ўлуб баҳри иноятка мавж.

Хак тилидин умматин истаб тамом,
Хакдин ўлуб борча муродига ком.

Хамрах анга колаби хокий насаб,
Гар десалар бор эди йўқтур ажаб.

Ким тан анга боштин-оёк жон эди,
Жони доги восили жонон эди.

Икки жахон раҳматини козгониб,
Хар нимаким козгониб, олиб ёниб.

Равшан ўлуб юзидин ул боргох,
Сурма килиб гардини бу коргох.

Гунча бориб, тоза гулистон келиб,
Зарра бориб, меҳри дарахшон келиб,

Боргонию келгани бир он ўлуб,
Акл бу мансубада хайрон ўлуб.

Кайда хаворик била муъжиз дурур,
Акл анинг идрокида ожиз дурур.

Боргону келган анга жузви сагир,
Ким эмас ул жузв тажаззий пазир.

Катъ бўлуб чун бу хумоюн сафар,
Рухсат олиб ходийи фархунда фар.

Тахт уза олам шахи айлаб маком
Олам ишига берибон интизом.

Шаръи тили нома баёзин ўкуб,
Тиги суйи куфр саводини юб.

БЕШИНЧИ НАЪТ

Меърож кечаси таърифида; олижанобликдирким, «Ул зоти пок» садокатли бўлиб, ўз бандаси (Мухаммад с.а.в) ни бир кечада Харам масжидидан Аксо масжидига олиб борди ва бунинг исботига икки содик гувоҳ бордир
Кечаларнинг бирида коинотни коронгилик босиб, куёш оби хаёт булогидек яширинган

эди. Гарчи у булок кўзга кўринмаса хам, Хизр кўк узра ундан катралар сочарди. Тун чангларини анбарга айлантирган, уларни жаннат шабадалари Ер узра таркатар эди. Ер юмалок шаклдаги хушбўй идишга айланиб, тун коронгилигидан унда анбар тайёrlанаётгандек эди. Ер идиши остида Куёш ўт ёкаётган, идишни эса Осмон ўз этаги билан ёпиб тургандек кўзга ташланарди. Ором ва тинчлик ёмгири ёгиб, юз бераётган ходисалар тўзонини пасайтиришга интиларди.

Шу кеча дўстлик гулистонининг сарви дўстлик хонасининг шамъини янада равшанрок килди. Учрашув хаёли билан кўнгли хурсанд бўлиб, денгиздек жўш уриб хайкирди. Шу пайт олий макомли сайёх етишиб, кўлида эса күшдек учадиган отнинг жиловини ушлаб туради. Бу от кўкда сайр этишдан ором олиб, унга Ердан осмонгача чикиш бир кадам бўлди. Аллохнинг пок хабарчиси унга салом килиб, Аллох номидан унга маълумот бериб деди: «Эй шавкли сирларнинг хазинаси! Аллох сени кўришга ўз шавку истагини билдиrmокда. Чунки пайгамбар жонон хабарини топган экан, унинг жонон хабарини топгани янгидан жон топганидир».

Хабарчи унга ёрдам бериб, отга миндириб, отни ўзи келган томонга кайтариб олиб кетди. Шу равишда бу олижаноб, очик юзли отлик сайд килар, толеъни баланд оти күшдек учар эди. Бу тез чопишига ўрганган от чанг кўтариб, акл кўзини кўрмайдиган холатга соларди. У тун коровули — Ой эса жилва килиб, барча сирли кечалар унга кулиб туради. Бу от кўтарилиб кўк осмонга етганди, Ой ўтиш учун унга туйнук вазифасини ўтади. Калам эгаси Аторуд бунда хурмат козонган, букаламунлиг — иккиюзламачиликка йўл кўймаётган эди. Зухра хурсандчилик барбатини созлаб, й (Пайгамбар)ни замзама билан кўллай бошлади.

Куёш ўз сояси билан унинг жамолини тўсиб турар, хилол эса шуъла остида беркингандек эди. Мехрида Бахром (Миррих) бирсўз бўлиб, шараф тиги юзига кўзгу каби эди. Унга якин юришдан Муштарий янада мартабаси ортиб, йўлидаги бир зина унга минбар бўлди. Зухал шамъи коронгиликни ёритиб, (Пайгамбар)нинг занги (негр)дек кора отини ок килиб кўрсатди. Унга Хамал хам, Савр хам жонларини бераётгандек, тогрироги, иккиси хам жонини курбон этишига тайёр эдилар.

Хам олдида Жавзо камарини тортиб боялаган, хам Саратон ўзини тик тутиб, жилва килар эди. Шер (Асад) йўлидан бир гўшани эгаллаб, Сунбула унинг отига йўл озиги бўлди. Палла йўли гардини кимматбахо иксирдай ўлчар, Акраф орасида ичкизиш, даволаш, (нина) санчиш, огритиш ишлари олиб борилмокда. Кавс эса чиллага ўтириб, дуо килиш пайида. Жади (тог эчкиси) унга етиши учун (озиг бўладиган) биринчи сутуни келтиради. Далвга Юсуф каби назар солмай, Хутда Юнус каби тўхтаб ўлтирмади. У елдек хамма букларни кесиб ўтди ва Осмоннинг Арш кисмига кўтарила бошлади. Унга пояндоз Арш хамда Лавху Калам бўлиб, унинг оти нак ўшаларга кадам босиши керак эди. У энди Раффрафга миниб, хамрохи ва йўловчи билан хайларашди. Энди бораётган йўлида хеч кандай макон колмади. У йўклик (ломакон) даштини ўзига макон этди. Бунда у олти жихат бандидан ташкарига чикиб, тўрт гавхарни тарк этиш унга тож кийишдек бўлди. Йўклик оёги билан кадам босар экан, аслида йўл хам йўк эди, кадамнинг ўзи хам.

Ўзлигидан на накш колган эди, на бир кўриниш, хатто бу айтилган нарсалардан бирон асар хам. Шу йўл билан у ўзини ўзидан халос килиб, шу равища ўзини иззат пардасига хос, лойик деб топди.

У ерга етиб караса, рўпарасида хеч нарса йўк эди. Канча карамасин, бокийлик кўзгусини кўрар эди. Кўзгуга бокканда унда суратга ўхшаш бир нарсалар кўринар эди, холос. Нима ўткинчи (фано) бўлса, ташкарида колган эди.

Унинг юлдузи шунча баланд кўтарилигандан, марҳамат денгизида мавж пайдо бўлди. У Аллоҳ тилидан умматларининг хаммасини истай бошлади ва Аллоҳдан барча мурод-максадига эришди.

Аллоҳга тупрокдан бўлган тана хамрохлик килди. Агар: «Шундай бўлди!» — дейилса, шундай, бунга ажабланмаса хам бўлади. Чиндан хам унинг тани бошидан-охирига кадар жон эди. Лекин унинг жони Жононга етишган эди. У икки дунё раҳматини кўлга киритган бўлиб, нимага эришган бўлса, хаммасини ўзи билан бирга кайтариб олиб келган эди.

Унинг юзидан у — илохий даргоҳ кандай ёруг бўлган бўлса, оёғидаги чангларни бу дунё хам ўзига сурма килди.

У (Пайгамбар) Аршга гунча бўлиб борган бўлса, Ерга тоза гулистон бўлиб кайтди; зарра бўлиб борган бўлса, порлаган Куёш бўлиб кайтди.

Унинг Меърожга чиккани ва кайтиб келгани бир онда юз берган бўлиб, акл бундай тадбирдан хайронликда! Кайда ажойиботлар ва мўъжизалар кўп бўлса, уларни идрок этишда акл ожиз бўлади. У (Пайгамбар)нинг чикиши ва кайтишига кетган вакт кичикнинг кичиги бўлиб, бу фурсат тахлилга арзимайди.

Бу баҳтли сафар шундай тугаб, кутлуг йўлбошли рухсат олди. Олам подшоҳи таҳтида ўлтириб, хам ишини интизомга солишда давом этди. Шариат тили кўчирилган дафтарни ўкиб, тириклиқ суви эса куфр коралигини ювар эди.